



ЖАМИЯТ

№ 27 (803)
2022 йил
21 июль,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

– Кўп китоб ўқима, яхши аскар бўлолмайсан, –
сафдошларидан бирининг бу гапи ҳали ҳануз
қулоқлари остидан кетмайди.

– Сиз китоб ўқийдиган ёшдан ўтгансиз-
ку, – амалиётга келган талабанинг надомати
ҳар гал ҳайратини оширади.

– Сиз қаторилар уй-жой қилди,
раҳбар бўлди. Китоб ўқиб юравермай,
ҳаракат қилинг...



ТАНАЗЗУЛ

Беҳбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразмими гумон этарсиз? Ёинки, сил, сilarия ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоая, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз – туркистонийларни шаҳри ва кишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тириклигимизга сорилгон ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман”.

**МАРОСИМЛАР
МОЖКАРОСИ**

ТОШКЕНТ ШАҲАР
ЛОҚАЙД МУАССИСЛАР
РЎЙХАТИГА БИРИНЧИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 14 (14.005) Басма арқонидур

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЮҚОРИ САВЯДА ҲАДА

Президент Шавкат Мирзиёев 27 июль кунин Тошкент шаҳрида инвестиция форумининг иккинчи кунинда ўзининг таълимий маърузини ўтказди.

ТИББИЁТ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев 27 июль кунин солиқларни соғайиш соҳасини ва илм-фан дунёларининг ривожланишини мақсадларини белгиланган йиллик ўқшомида.

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 14 июль кунин қарарини асос қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Тиббиёт ва илм-фан соҳаларининг долзарб масалаларини таҳлил қилиш ва қўшимча вазифаларни белгиланган йиллик ўқшомида.

ТАРИХИЙ МУРОЖААТНОМАНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲАҚИДА БИР ЧИҚАРИШНИМIZ КЕРАК!

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 июль кунин қарарини асос қилиб, Ўзбекистон Республикасининг тарихий мувожазотини амалга ошириш учун бир чиқаришнимиз керак!





ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ҚАЧОН СИЁСИЙ АНЪАНАГА АЙЛАНАДИ?

Юртимиз ўз тараққиётининг энг муҳим устувор йўналишидан бири — кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда “Янги Ўзбекистон-ижтимоий давлат” ғояси йўлидан дадил бормоқда. Мазкур ғояни амалга оширишда жамоатчилик назоратининг ўрни бекиёсдир. Хўш, жамоатчилик назоратининг мақсади нима? Ушбу соҳада хориж тажрибасини биламизми?

Жамоатчилик назорати бу халқнинг сиёсий ҳокимият устидан том маънодаги назорати ҳисобланади. Халқнинг назорати қанча кучли бўлса, жамиятнинг муаммолари тез ечимини топади. Яъни жамоатчилик назорати жамият ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни, халқни ўйлантираётган, ташвишга солаётган камчиликларни ҳал этишда давлат ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишини таъминлашда муҳим роль уйнайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти “Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари яратилмаган. Бу эса, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга ҳалақит бермоқда”, дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, юртимизда жамоатчилик назорати институти узоқ тарихий илдизларга эга. У асрлар оша оксоқоллар Кенгаши кўринишида намоён бўлиб келган. Тарихдан бу институт уруш ва тинчлик масалалари, низоларни шарқона оғир-босиқлик билан ҳал қилиш мақсадида ташкил топган. Кейинчалик Кенгашлар маҳаллаларда ҳашар, ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш, ёрдамга муҳтожларнинг муаммоларини биргаликда ҳал этиш, ўзгаларга эътиборли бўлиш, фарзандлар тарбиясига лоқайд бўлмаслик ва бошқа жамоат ишлари билан ҳам шуғулланадиган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланган. Бу борада буюк аллома Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарига ҳам ҳукмдорларнинг аҳоли олдида ҳисоб бериб туришлари ва уларнинг қонунларга сўзсиз буйсунишлари зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Бундай ёндашувлар бизга мерос бўлиб, ўзининг амалий натижаларни бермоқда.

Янгилаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган шаффофлик-

ка асосланган янги ислохотлар самараси туфайли жамиятимизда жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда кучаймоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ҳамда фуқаролар йиғинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, унга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш, ривожланишнинг янги босқичига кўтаришга хизмат қилиши билан ғоятда аҳамиятлидир. Ундан кўзланган мақсад фуқаро-жамоат ташкилотлари-давлат бирлигини мустаҳкамлаш орқали халқнинг ҳокимиятдан, ҳокимиятнинг халқдан узоқлашишининг олдини олишдир.

Илк қадам сифатида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани ҳамда судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундан ташқари, илк маротаба ҳокимларнинг йиллик ҳисоботларини тинглаш, “Маҳалла посбони” аъзолари, “Фидокор ёшлар” гуруҳлари ва “Жамоатчилик назорати масканлари” фаолиятига раҳбарлик қилувчи профилактика

инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларини танлаш тажрибаси қўлланилиши ҳам ўз натижаларини бермоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган прагматик сиёсат, очик-ошқора ва шаффофликка асосланган янги босқичдаги ислохотлар самараси ўларок, бугун жамоатчилик назоратининг ҳам таъсир доираси сезиларли равишда ортди. Жумладан, халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар энг аввало, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилаётгани, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари ишига аҳоли томонидан билдирилаётган танқидий муносабатлар натижасида кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, Асосий Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси муҳокамаси 15 июлга қадар узайтирилиши ҳам халқ билан бамаъна ҳал олиб борилишини кўрсатди. Унда мамлакатимизда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг дахлдорлик фаоллиги кўриниб турибди. Дарҳақиқат, ислохотларнинг сифат ва миқдор ўзгаришларга жамоатчилик назоратининг Қонун лойиҳасидан ўрин олиши муҳимдир.

Бу борада АҚШ тажрибасига бироз тўхталсак. Масалан, АҚШда жамоатчилик назорати ғояси узоқ тарихга эга. АҚШнинг 4-Президенти Жеймс Медисон “Federalist” газетасида бу борада ўз замонида шундай деган экан: “Республикачиларнинг озодлик руҳияти, шубҳасиз, нафақат бутун ҳокимият халқдан чиқиши, балки халқ ишонч билдирган ҳокимиятлар ҳам халққа боғлиқ бўлиб қолиши керак...”. Бугунги кунга қадар бу ғоялар, яъни ҳокимият органларининг халқ олдида ҳисобот қилиши АҚШда сиёсий анъана сифатида қабул қилинган ҳамда бу борада ўзига хос бой тажриба орттирган.

АҚШда жамоатчилик назорати икки йўл билан амалга оширилади. Биринчи йўл бу фуқароларнинг хоши-истакларини тўғридан-тўғри ифодалаш бўлса, иккинчиси халқ томонидан сайланган вакиллар амалга оширади. Эътиборли жиҳати шун-

даки, иккала назорат усулининг бир-биридан устуворлиги ҳақида гапириш ўринсиз, улар биргаликда бир мақсадга хизмат қилади. Масалан, тўғридан-тўғри жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳокимият фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олишлари, журналистик текширувлар, фуқаролар йиғилишлари, жамоат тингловлари орқали жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизаси ва ҳоказо усуллар ёрдамида амалга оширилса, иккинчи вакиллик усулида парламент назорати, ҳуқуқий қонун чиқарувчи, маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг назорати орқали амалга оширилади.

АҚШдаги яна коллабораций номли услубига тўхталсак. Бу услуб фуқароларнинг турли хил фикр ва ғояларини тўплашга эмас, балки фуқароларга маълум бир муаммоларни аниқ етказиб, уни шу соҳанинг етук мутахассисларини таклиф қилган ҳолда ечимини ҳал қилиш ҳисобланади. Бу услуб нафақат юқори даражали натижаларга эришишга, балки бутун жамиятни бир мақсад йўлида бирлаштиришга ҳам хизмат қилади. Одамлар ҳуқуқат ҳал қила олмаган баъзи муаммолар ечимида уларнинг ҳам ҳиссаси ва ўрни борлигига ишонч ҳосил қилинади.

Хулоса қиладиган бўлсак, жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ кўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари хатти-ҳаракатларига нисбатан билдирилаётган муносабат туфайли кўплаб камчилик ва муаммолар, қонун бузилиш ҳолатларига чек қўйилаётганини барча бирдек кўриб турибди. Дарҳақиқат, янги Ўзбекистон ҳаётига доир ҳар бир қарор халқ билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилинмоқда. Ҳозирда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя ўз натижалари фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Ф.УСАРОВА,
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Ҳаётда буюк истеъдодли инсонлар ўз меҳнати ва ижоди билан миллат, халқ маънавияти ва маданиятига юксак ҳисса қўшиши билан бир қаторда, фавқулодда ноёб қобилият эгаси, бутун бўй-басти билан миллат, халқ кифасини ўзида акс эттирадиган кучли бир тарихий шахс сифатида ҳам ўчмас из қолдиради. Ана шундай шахслардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, бутун умри давомида она юрт, жонажон халқининг дарду армонларини куйлаб ўтган инсон Эркин Воҳидовдир.



ҲАЛОЛ ВИЖДОНДАН ЧЕКИНМАСЛИК — ЖАСОРАТ

Устоз Эркин Воҳидовнинг инсоний фазилатлари, уларнинг ҳаётлик даврларида биз шогирдларга берган сабоқлари ҳақида узоқ ҳикоя қилиш мумкин.

Эркин ака билан Тошкентда, Хувайдо маҳалласида қўшни бўлиб яшардик. 1981–1983 йиллари Фарғонада давлат хизмати органида ишлардим. Ўша вақтлари Ўзбекистон бошига оғир кунлар тушган, бу синов дадамини ҳам четлаб ўтмаганди. Шу сабабли, дадам биздан олисда, оиланинг барча масъулияти эса акам ва менинг зиммамда эди. Шунинг учун, акам иккимиз синглимизни турмушга бердик. 1987 йили мен ва укам қўш тўй қилиб, ҳар биримиз мустақил оила қурдик...

Кечагидек эсимда... Куз фасли. Октябрь ойининг охирлари. Осмоннинг қовоғи солиқ. Ҳаво совиган, ёгин-сочинли кунлар эди. Ўша вақтлари тўйлар ҳовлида бўларди. Ҳавонинг инжиқлиги сабабли кўнглимга ҳеч нарса сиғмасди. Тўй куни эрта-лаб эшигимиз тақиллаб қолди. Чиксам, Эркин ака елкаларига брезент ташлаб олганлар. Менга қараб: “Нимага хафа бўлиб ўтирибсан? Хотиржам бўл, мана, мен ёнингга турибман”, деб кўнглимни кўтардилар.

Эркин акам иккаламиз брезент билан сўрининг устини ёпдик. Орадан бироз вақт ўтиб, бир гуруҳ оғайниларим кириб келишди. Аммо бунга қадар Эркин акам билан асосий ишни қилиб улгургандик. Ўша куни тўйнинг бошидан охиригача Эркин акам бош-кош бўлиб турдилар. Тўй тугади ҳамки, шаррос ёмғир қуйди. Эртаси куни ёмғир қорға айланди...

Гоҳо ўйланиб қоламан: Эркин акам ўша куни олдиндан сезгандай елкаларида брезент билан кириб келиб, сўрининг устини ёптирдилар. Уларга бундай қилишни ҳеч ким айтмаган, менинг-ку айтишга қандай ҳаддим сиғсин! Эркин акамдаги узоқни кўра олиш, юз берадиган ҳодисаларни аввалдан ички ҳиссиёт билан сезиш ва англаш туйғуси Яратган томонидан берилган ноёб қобилият эди, десам асло хато бўлмайди...

Машхур ғазалнавис шоир Тавал-

ло катта бобомиз бўладилар. Онамиз Дилбархон уларга набира, онамизнинг оналарининг исми Раҳбарой бўлган. Бувимиз қизларини бир куни қайсидир иши учун уришиб берадилар. Катта бобомиз эса: “Қизим, Дилбарни уришаверма, болаликда ҳамма болалар шўх ва ўйинқароқ бўлади. Кел, яхшиси, мен сенга Дилбарга ўхшаган шўх, шаддод қизларга бағишланган ғазалимни ўқиб берай”, дебдилар.

Бу ғазал Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров томонидан куйланиб, машхур қўшиққа айланди ва санъатимизнинг олтин фондидан жой олди. Мана ўша ғазал:

*Ўйласам, шу дилбарим
маккорга ўхшайди-ку,*

*Раҳми йўқ бир бевафо
дилдорга ўхшайди-ку.*

*Ул куни кўнгил ниқобин
очибон ман хастани,*

*Ишқидин бўйнима солган
дорга ўхшайди-ку.*

*То будам олмас хабар,
бўлди юраклар чок-чок,*

*Шўхи зolim ҳийла дил
озорга ўхшайди-ку.*

*Наргиси айлай мурувват,
деса қўймас кўзлари,*

*Ханжари мужгонлари
хунхорга ўхшайди-ку.*

*Ўзича қилмас манга,
мунча жафою жабрини*

*Анга ўргатган магар
агёрга ўхшайди-ку.*

*Энди, жон, қилдинг, Тавалло,
неча йиллар келмади,*

*Сан каби бечорадан
безорга ўхшайди-ку...*

Афсуски, катта бобомиз Тавалло 1938 йилда қатағон қилинганидан кейин ушбу ғазалнинг остига Ниҳон тахаллуси қўйилган. Ниҳон Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг тахаллуси бўлган...

Камина шоир Таваллонинг авлоди эканимни билганликлари учун Эркин акам 2012 йили ёнларига чақириб: “Абдуҷаббор, менинг битта армоним бор. Бобонг Тавалло билан боғлиқ китоб чиқмаган. Сен шу китобни чиқартиргин, мен сўзбоши ёзиб бераман. Бунинг сабабини айтмай. Бир вақтлар Японияга

хизмат сафари билан борган эдим. Ўшанда мендан интервью олишди ва “Сиз “Ўзбегим” қасидасини ёзиб, жуда катта жасорат кўрсатгансиз”, дейишди. Уларга жавобан “Бирор бир миллатни мадҳ этиб шеър ёзиш жасорат ҳисобланмайди, балки нуқсонларини юзига айтиб, дадил туриб, айбини ошкор эта олган, хатоларини танқид қилиб, тўғри йўлга сола билган ижодкоргина ҳақиқий шоирдир. Буларнинг сафига эса шоир Тавалло киради”, деб айтганман. Шунинг учун, мана шу ишга бел боғла”, дедилар.

Мен уларнинг кўрсатмалари ва тавсияларига асосан ушбу хайрли ишга киришдим. Суриштирсам, ЎЗМУ аспиранти Дилдора Раҳмонова шоир Тавалло ижоди бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган экан. Ушбу тадқиқот ва бошқа тегишли материаллардан келиб чиқиб, 2015 йили Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида “Миллат садоси” китобини чиқартирдик. Эркин акам сўзбоши ёзиб бердилар. Китоб чоп этилгандан сўнг кўриб, худди ўзларининг китоблари чиққандай қувонганлари ёдимда. Эркин акамнинг мана шундай ташаббуслари сабабли шоир Тавалло, яъни бобомнинг номи адабиётда қайта тикланди... Бу эса бизга унутилмас қувонч ва фахр туйғусини бахш этганини сўз билан ифодалаш қийин.

2003 йили ҳозирги ЎЗМУ ташкил қилинганининг 85 йиллик юбилей санаси нишонланган эди. Университет битирувчилари сифатида Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Алишер Азизхўжаев, мен ва қатор давлат ва жамоат арбоблари, соҳа вакиллари ўша тадбирда иштирок этганмиз. Таниқли олимларимиздан бири ўз нутқида қутилмаганда барчани хайрон қолдириб: “Кейинги вақтлари рус тилини ўрганишга эътибор камроқ туюляпти менга. Ваҳоланки, рус тилини билиш катта фойда келтиради...” дея тил ҳақидаги маъруза-

сини мақтовлар билан давом эттириб кетди.


Бироздан сўнг Эркин акам сўзга чиқдилар ва ўша олимга қараб, ғоят нозиклик, ҳурмат-тавозе билан “Устоз, мактабларимизда ҳозир ҳам рус тили ўргатилмоқда. Ушбу тилни билиш, умуман, тил билишнинг фойдаси катта. Биз тилларнинг бирини иккинчисидан устун қўя олмаймиз. Ахир, Навоий тили, Жомий тили, Гейне тили, Пушкин тили адабиётимизнинг гавҳари-ку. Сиздан олган таълим туфайли биз Навоий тилининг буюклигини ўргандик. Дунё ҳам бизнинг тилимизга ҳурмат билан қарамоқда, ўрганмоқда”, деган мазмунда фикр билдирдилар.

Эркин акамнинг бу гапларидан кейин ўша олим қайта минбарга чиқиб, Эркин ака хар соҳада, айниқса, тил билишда устозлар фахр қиладиган даражага етганини ва шогирдларидан миннатдор эканини чиндилан айтгани хали-ҳануз ёдимда.

Устозим, кадрдоним Эркин Воҳидовнинг нафақат улкан ижоди, балки миллат ва халқ, давлат тарихи, ижтимоий ҳаёти, керак бўлса, тақдирида ҳал қилувчи ўрин эгаллаган шахси ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин...

Хулоса сифатида айтиш лозимки, Эркин Воҳидов хар қандай қийин, мураккаб, оғир синовлар оғирда ҳам, воқеалар хаттоки ҳаёти ва тақдирига қарши тус олган тақдирда ҳам, ўзининг ҳалол виждонидан чекинмаган, оғишмаган, иродасио эътиқодида собит турган, фақат ва фақат халқ, миллат, ватан манфаатлари учун ўзини фидо қилган жасур, қатъиятли инсондир. Шунинг учун ҳам, бутун халқимиз ўзининг ушбу садокатли ўғлони билан ҳамиша фахру ифтихор ҳиссини туюди.

Абдуҷаббор АБДУВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти маслаҳатчиси



Соат тонгги беш яримларда эшигимиз тагида машина сигнал чалди. Қайнотам “Ҳозир” дедию оҳорли кийимларини кийиб кўчага отланди. Йўл-йўлакай “Ақиқага бориб келай”, деди. Соат етти яримларда қўллариди кичкина ўрамга солинган сочиқча кўтариб келди.

— Мана қизим олиб кўйинг, аввал аёлларга бериларди, энди эркакларга ҳам таркатиш урф бўляпти, шекилли, — деди кулиб.



МАРОСИМЛАР МОЖКАРОСИ

— Ҳа, ёши улуғлар “Керакмас, ортиқча чиким қилманглар, едик, ичдик, энди буниси ортиқча”, шундай деб айтса бўладику, нега ҳамма кўтариб келаверади, дедим.

— Ким билади? Қишлоқ муллеси, маҳалла оқсоқоли, ёши улуғлар бир нима дейиши керакда, биз кичкина одам бўлсак, яна ўз фикрларини билдирди.

Агар кузатаётган бўлсангиз, аввал, тўй-маросимларда, чақалоқ йўқловларида фақат аёллар бир-бирига рўмолми, бир кийимлик матоми, сочиқми нимадир бериши урфда эди. Аёллар учун сал муболаға қилиб айтсак, бу масала ҳаёт-мамот масаласига айланиб кетарди. Баъзан “менга арзон мато берди, мени шу хилвираган рўмолга муносиб кўрди, мен унга қиммат нарса олиб боргандим, қайтарган нарсасини қаранг, сандиқда ётаверириб юқариб кетибди” деган иддаоларни ҳам эшитиб қоламиз. Айниқса, бу нарса қудалар ўртасида жуда жиддий тус олади.

Баъзан икки ёшнинг бахти шу арзимаган матоларга, биттагина рўмолга боғлиқ бўлиб қолади.

Мана шундай пайт ёдимга Махмудхўжа Бехбудийнинг “Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласи келаверади.

веради.

Бехбудий “Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму мараз-ними гумон этарсиз? Ёинки, сил, силария ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоё, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни шахри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим вахший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизга сорилгон ва бизни инқирозга ва таҳликага ва жаҳаннамга юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман”.

Бу мақола “Ойна” журналининг 1915 йилдаги 13-сониди чоп этилган экан.

Орадан ўтган шунча давр мобайнида Бехбудий таъкидлаганидек, миллатимизни кемирувчи иллатлар кўпайди. Мисолларга ўтамитиз.

Кўл учида кун кўрадиган оилада ота вафот этди. Барча маросимлари ва маъракаларини ўғиллар баҳоли қудрат ўтказишди. Аммо марҳум вафот этганига 40 кун бўлиши муносабати билан ўтказиладиган “қирки” да оилада шундай машварат бўлди.

Катта ўғил: “Бу аёлларнинг маросими экан, энди аёллар нима деса шунини қиламизда”.

Катта қиз: “Ҳа, биз туз олиб бориб кўмиб келганимиз йўқку.

Дадамнинг хурмати. Дадам учун қанча пул кетса ҳам қилаверамиз. Ўша куни қаъдани ҳам ўтказворамиз”.

Она: “Қаъдани ўтказадиган бўлсак, хотинларга таркатишга нимадир олиш керак. Даданга савоби ёзилади”.

Оиладаги битта қиз: “Ая, ҳозир кўпчилик қирқнинг ўрнига ночор оилаларга бир ойлик рўзгорини қилиб беряпти. Биз ҳам 15 та оилага ун, ёғ, шакар, картошка-пиёз, гуруч, тухум олиб тарқатиб бераверайлик. Қишнинг куни бўлса, уйлар совуқ, анови катта залингизга қирқта одам сиғади, қолганлар кўчада утирмайдими?”

Она: “Гапинг тўғрию, аммо хотинлар гапирадида. Мен ҳам маҳалланинг шунақа маросимларида катнашганман, нон-чоини ичганман. Хотинларни чаирмасак, бўлмайди. Жуда борса, 80 та хотин келадида. Кўп одам айтмаймиз”.

Мана шундай вазият ҳар бир ўзбек оиласининг уйида тўй, ақиқа, аза маросимларида бўлиб ўтади. Баъзан она, баъзан келин, баъзан ота, баъзан ўғил “одамлар нима дейди?” деган истиҳола билан ўз истажини ҳам амалга ошира олмайди.

— Исминни ёзманг, — деди суҳбатдошим шу мавзуда унинг фикрларини билмоқчи бўлганимда. — Ҳақиқатдан ҳам, менга ўзимизнинг баъзи одатлар ёқмайди. Бу одамлар урф эмас, суннат эмас, фарз эмас. Қилмаса, дунёси ва охирати учун ҳеч қандай фойдаси йўқ. Аммо бир қарғиш теккан гап борки, ҳамма шу гапдан кўркиб ортиқча чиранаверади. Яъни “Одамлар нима дейди?”. Лекин ҳеч ким “шу охиратим учун фойдалими? Эримнинг, болаларимнинг қийналиб топган пулини ярим соатлик хою хавас учун сарфлашим тўғрими”, деб ўйламайди. Масалан, биз эр-хотин

давлат ишида ишлаймиз. Бундан ташқари, томорқамизда деҳқончилик қиламиз. Ёшимиз 60 га қараб кетяпти. Аммо ҳали бирор марта ортириб сайру саёҳатга, дам олишга бормаганмиз. Доимо пул етмайди. Мен ишлаб топган пулимнинг бир қисмини йиғиб, Самарқанд, Бухоро, Хива, Зомин, Шахрисабзга бориб, айланиб келгим келади. Аммо... Кўп фарзандли оилага келин бўлганман. Тўрт қайнсингил, уч овсиним бор. Ҳар йили камида беш-олти мартадан тўй, бешик тўйи, ақиқа, суннат тўйи, баъзан аза бўлиб туради. Уларга келин ва овсин сифатида нимадир қилишим керак. Кенжа келин бўлганим, ота ҳовлида қолганимиз учун юкнинг каттаси бизга тушади. Масалан, қайнсингилларимнинг бола-чақасига энг кичкина совғамиз камида электр газ ёки чангюткич бўлади. Овсинларим тўй қиладиган бўлса албатта, 3-4 миллион сўм тўёна қилишимиз керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча харажат қилган одам саёҳатга чиқа оладими, эгнига чиройлироқ кўйлак ололадими, уйини таъмирлата оладими? Сиз камида 300-400 минг сўм харажат қилиб борасиз. Сизга эса 30-40 минг сўмлик бир кийимлик мато беришади.

Бир куни бир жиянимизнинг бешик тўйига 250 минг сўмлик совға олиб бордим. Улар менга 30 минг сўм турадиган мато қайтаришди. Келиб хўжайинимга “Мана менинг 250 минг сўмлик кўйлагим. Шуниткириб, кийволаман. Ким сўраса 250 минг сўмга олдим дейман”, дедим кулиб.

Бир куни эринмай тўй ва азалар, бошқа маросимлар учун бир йилда сарфлаган харажатларимни ҳисоблаб чиқибман. Биласизми, қанча сумма чиқди. Ярим йиллик ойлигимдан ҳам ошиб кетди.

Халқимизда “ўлимнинг сочбоғи узун” деган гап юради. Тўйга ўзбек халқи бир ёки икки йил йиғинса, азада бир ёки икки йил фақат “сочади”. Ваҳоланки, ислом динида ёки бошқа муқаддас битикларда ўлган одам учун боши-кети узилмас маросимлар қилиш кераклиги ёзилмаган. Марҳум фақат тирикларнинг дуою фотиҳасига зор бўлади, дейилган.

Яна Бехбудийнинг юқорида тилга олганимиз мақоласига қайтамитиз.

“Мана, бизни ақлсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга футур келмоғига сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун ақча, сарват, давлат, сомон керакдур. Тўй ва таъзияга сарф қилинатургон оқчаларимизни биз туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек таракқий этармиз ва ўзимизда, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду”.

Хулоса ўзингиздан!

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
журналист



Янги Ўзбекистонимиз келажаги учун қилинаётган тарихий, маънавий ва маданий ишлардан қай бирини айтай. Яхши ишларимиз жуда кўп. Ижодкорлик бор, бу жуда қувончли. Изланиш, ҳаётимизга янгиликлар жорий этиш масалаларига эътибор кучайяптию, бироқ талаб даражасига етиш камроқдек кўриняпти...



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ: лоқайд муассислар рўйхатида биринчи

Кўпгина бошлиқлар, эскича иш юритаётгандек, чамамда. Айниқса, уларнинг беминнат илм-маърифат манбаи бўлмиш газета-журналларга муносабати ҳам ўзгармаган.

Баъзи мисоллар билан ўртоқлашай. Масалан, болалар газета ва журналлари фаолияти жуда тушунарсиз. Ўзи болаларимизга ОАВ керакми ё йўқ? Ўйлаб қоламан. Бошқа газеталар майли. Уларнинг муассислари бўлса керак. Ишлаб турибди. Муассиси йўқ ёки бўлса ҳам унинг фаолияти фақат қоғозда бўлган болалар матбуоти билан

ким шуғулланиши керак? Ушбу соҳага масъул мутасадди ташкилотлар, ҳатто, вазирликлар қачон уйғонади? Болалар ўқийдими ўқимайдими, улар қўлига, энг аввало, телефон эмас, китоб ва газета ҳамда журнал беришимиз керак. Жойларда катта корхоналар, уй массивлари қуряпмиз. Одам қувонади, бироқ нега маърифат улашувчи газеталар эътиборимиздан четда? Туман газеталари чала жон бўлиб, йўқолиш арафасида. Ҳатто битта шаҳар газетаси умуман йўқолиб кетди. Бу ўз

вақтида “Тошкент оқшоми” (адади 140 минг) ва “Вечерний Ташкент” (180 минг) нусха. Тошкент шаҳар ҳокимлиги турли соҳаларга қанчадан-қанча инвестиция киритади. Наҳотки, маърифат, маънавият берувчи биргина газетасига эплаб муассислик қила олмаса? Нега маърифатга бармоқ орасидан қаралади? Бошқа газеталар қийналиб бўлсада чиқиб турибди. Уларнинг холи ҳам ўзларигагина аён.

Мактабларимиз кутубхоналаридан “Тонг юлдузи” газетасини ҳамда “Гунча” ва “Гулхан” журна-

лини излаб кўринг. Тополмайсиз. Нега? Болаларимиз шундай нашрлар улар учун чиқаётганини кимдан, қаердан билиб олишади? Би-лишмай катта бўлишяпти. Китоб ўқишнинг бошланиши шу болалар нашрини ўқиганлар учун-ку!

Ҳамма яхши янгиликлар маҳаллада, кейин туманларда пайдо бўлади, кейин вилоятларга ва ниҳоят республикада намоён бўлади. Президентимиз айтмагунларича бир иш жойидан кўзғолмайди. Бу қанақаси?! Нега?! Ўзимиз кўриб турган, билган, қўлимиздан келадиган ишларни яхшилаб бажариб қўйсак, ҳамма хурсанд бўладику! Нега қилмаймиз?

Аччиқ сўзлар айтган бўлсам кечиринглар, тезроқ яхши ишлар кўпайишини, беътибор муассислар ўз газетасига қаратишишини хоҳлайман. Ҳар бир одамни амали эмас, унинг одамийлиги, билими, изланувчанлиги, одоби, халқчил бўлиши ва маънавияти гўзал қилади. Катта ҳурматга сазовор этади. Шу ҳақиқатни улар билишлари керак, ўша талабларга риоя қилишлари зарур деб ҳисоблайман.

Тўлқин МУҲИДДИН,
фахрий журналист



“ХАРИДОРГА АЛДАНГАН ДАМЛОЛ”

Раҳмонберди Гулистон шаҳар, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимида бош мутахассис бўлиб ишлаб келаётган эди.

Лекин мўмай даромад топиш илинжида унга ишонч билдирган шахсларни алдаш йўли билан фирибгарлик жиноятига қўл урди ва яхшигина иш жойидан қуруқ қолди. Агар Раҳмонберди ўзи тушунмаган соҳага бош суқиб, арзимаган пул эвазига ўз виждонини пуллаганида эди, бугун суд мажлисида боши эгик ҳолда ўтирмаган бўлар эди. Лекин у текин пишлоқ фақатгина қопқонда бўлишини англаб етмади ва таниш-билишларидан фойдаланган холда тадбиркорни чув туширмакчи бўлди.

Раҳмонберди Янгиер шаҳрида яшовчи, кўп йиллардан буён унга таниш бўлган Элдор исмли шахс билан кўришиб қолганида унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан бутун Республика бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида сувни тежовчи технологияларни кенг тарғиб қилиш кўзда тутилганлигини, унинг ушбу йўналишда фаолият олиб борадиган таниши борлигини айтади.

Шу боис, Элдор ундан Сардоба тумани худудидан худди шундай йўналишда фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ерларга сувни тежовчи технологияларни ўрнатиш, қуриш ва худди шундай объектлар олишда туман ҳокимлигидан рухсат олишда ёрдам беришини, агар шундай объектлар олса, у билан бирга шерикчиликда ишлашини маълум қилади.

Раҳмонберди худди шундай корхонаси бор

шахслар туман ҳокимлиги билан гаплашиб ҳар бир гектарини 100-200 АҚШ долларида олаётганини айтади. Савдоси чала пишган танишлар орадан бир ой ўтиб, яна хабарлашади.

Элдор унга Жиззах вилоятида сувни тежовчи технологияларни ўрнатиш фаолияти билан шуғулланувчи таниши борлигини, ўша таниши уларнинг вилоятига келганлигини, уни ўша таниши билан гаплашиб кўришини сўраганини, сўнг, орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин унинг ёнига нотаниш шахс келиб, ўзини Жиззах вилоятида фаолият юритувчи “DIDIVASH” хусусий корхонаси раҳбари деб таништириб, унинг сувни тежовчи технологияларни ўрнатиш фаолияти билан шуғулланувчи корхонаси борлигини, шу сабабли унга қулай ва Жиззах вилоятига яқин бўлган Сардоба туманидан худди шу йўналишдаги ерларга сувни тежовчи технологияларни ўрнатмоқчи эканлигини, шундай объектларни олишда ёрдам беришини сўрайди.

Раҳмонберди эса сувни тежовчи технологияларни қурилишини амалга ошириши учун “Сардоба кластери” билан шартнома тузишига туман ҳокими орқали рухсатини олиб бериши эвазига ҳар бир гектари учун 300 АҚШ долларида пул беришини, лекин сувни тежовчи технологияларни 20 гектардан қилиб бўлиб қурилиши кераклиги сабабли дастлаб 20 гектар учун 6000 АҚШ доллари беришини айтади.

Ўзинининг қинғир ишига Сардоба туман ҳокимлигининг бир неча мансабдорлари ва ҳоким ҳайдовчисининг номини ҳам аралаштирган устамон йигит “харидор” билан кўришиш учун жой белгилайди. Айтилган жойга айтилган пулни яъни 6000 АҚШ доллари пулларни олиб келган “DIDIVASH” хусусий корхонаси раҳбари бир даста 100 АҚШ доллари купюраларидаги пулларни Раҳмонбердига узатади. Шу пайт Раҳмонберди ўтирган автомашина ёнига бир неча нотаниш шахслар келишиб, ўзларини Департамент ва ДХХнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ходимлари деб таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, фуқаро

Мелиевнинг аризасига асосан тезкор тадбир ўтказилаётганини маълум қилади.

Қопқонга тушганини тушунган Раҳмонберди эса олган 6000 АҚШ долларида 5000 АҚШ долларини Сардоба туман ҳокимининг ҳайдовчисига олиб бериб бериши кераклигини баён қилиб, вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлади. Унинг Департаментнинг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи номига ёзган пушаймонлик аризасига асосан ўзининг телефонида Сардоба туман ҳокимининг ҳайдовчисига қўнғироқ қилиб, унга боролмаслигини, иши чиқиб қолганлигини, ўрнига кимнидир юборишини, у 5 та қовун олиб боришини, иш битгунча улар Сардобада қолишини айтади. 5 та қовун деб 5000 АҚШ долларини назарда тутган Раҳмонбердининг таклифини ҳоким ҳайдовчиси рад этади ва ушбу масалада ҳокимнинг ўзи билан гаплашиши зарурлигини айтади.

Суд мажлисида ўз айбига тўлиқ иқроор эканлигини баён қилган Раҳмонбердини Сардоба туман ҳокими ва ҳайдовчиси билан таниш бўлсада, тумандаги ерларга сувни тежовчи технологияларни ўрнатиш борасида улар билан келишуви бўлмаганини тан олди. Судда кўрсатма берган сардобалик мансабдорлар ҳам Раҳмонбердининг қинғир ишига шерик бўлмаганини маълум қилди.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг очик суд мажлисида судья М.Омонов раислигида кўриб чиқилган мазкур иш якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 45,59,61-моддалари тартибида, жиноятлар мажмуи тарикасида, тайинланган ҳар-хил турдаги жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил судланувчи Раҳмонбердига ўташ учун бир йил муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, бир йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Жазони ўташ вақтида Раҳмонберди текин қовунлар фақатгина қопқонда бўлишини англаб етадиган бўлди.

Шухрат СУЯРОВ

Китоблар намикиб кетган, чанг босган. Қўлингизга олсангиз, номи кўринмайди, пуфласангиз, фойдаси йўқ. Ўрнашиб кетган. Тарс-тарс бир-бирига уриб, чангини қоқаман. Айрим сатрларга кўз югуртираман. Дунёни тафаккур жимжилоғида айлантирган муаллифларнинг асарлари.

ТАНАЗЗУЛ

Ҳеч кимга қизиғи йўқ. Бугунги инсоният нафсининг ҳозирок мукофотланишини истайди. Келажакдаги муваффақиятлар учун вақтини, пулини, кучини сарфлагиси келмайди. Одамларнинг баҳоси ҳам эгаллаган билими, тажрибаси, савияси билан ўлчанмайди. Миниб юрган қиммат-баҳо машиналари, барпо қилган қарсрамо уйлари уларнинг даражасини белгилайдиган мезонлардир.

Китоблар оламига шўнғиган Баҳовуддин дунёни унутди. Яқиндагина опасига, аммаларига меҳрибонлик қилмоқчи бўлиб турганди. Машинада бориб, уйга олиб келмоқчи, тўйга кетишга тараддуд кўрмоқчи эди. У вақтнинг бошқа ўлчамига ўтди. 3-4 та халтада, ўнгирларга тиқиб қўйилган китоблар, газета ва журналлар билан тўлган чердак – дунёсига айланди.

– Йўлнинг ўртасига тахлаб қўйибсан-ку, – ақасининг боши кўриниб, овози эшитилди.

– Бу ердан ҳеч ким ўтмаса, ойда, йилда бир ўтсаларингиз, ёмғир тушмаслиги учун шундай қилдим.

Бир маҳаллар рўзгор тебратиш гарови бўлган бу китоблар, кексайиб ишга ярамай қолган кишилардек том устига улоқтирилганди. Лекин китоблар ҳар бир ўқиган одамнинг сиймосида қайта яшариши мутолаага мубғало бўлган ҳар бир зиёлига маълум.

Бугун одамлар битта бундайроқ машинанинг пулига битта телефон олиши мумкин. Арзимаган саёҳат ёки тамадига ўнлаб, юзлаб китобларнинг пулини ҳеч иккиланмасдан сарфлаш мумкин. Лекин тушликнинг ярим пули кетадиган китобни сотиб олиш учун ўй босади. Ўзини енгиб олди ҳам дейлик. Уни мутолаа қилиши амримаҳол. Ўқиди ҳам дейлик, баҳра олиши, ҳаётига қўллаши даргумон.

Баҳовуддиннинг баъзида китобларни ҳаётидан чиқариб ташлагиси келади. Булар реал ҳаётдан чалғитяпти. Ўқимаганлар бинойидек яшяпти. Аксариятининг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ. Боз устига ўзига алоқаси бўлмаган ишларни ўйлаб, сочини оқартирмайди. Машҳур шоир айтганидек, қалб эшикларини тамбалаб, ҳайвонлардек бахтиёр яшайди.

– Кўп китоб ўқима, яхши аскар бўлолмайсан, – сафдошларидан бирининг бу гапи ҳали хануз кулоқлари остидан кетмайди.

– Сиз китоб ўқийдиган ёшдан ўтгансизку, – амалиётга келган талабанинг надомати ҳар гал хайратини оширади.

– Сиз қаторилар уй-жой қилди, раҳбар бўлди. Китоб ўқиб юравер-

май, ҳаракат қилинг, – “ғамхўр” бўлим бошлиғининг бу таънасини сира унутмайди.

Китоблар чангидан бўғилиб қолган Баҳовуддин бир оз нари кетди. Тоза ҳаво истади. Яна ўз ишидан ўқинди – китоблардан қочиб, қандай нафас олиш мумкин?!

Одамлар нафақат китоблардан,

бир-бирларидан ҳам узоқлашиб кетмоқда. Ёнингизда сиз билан бирга яшаётган яқинингизнинг кўнгил кечинмалари сиз учун қизиқ эмас, бироқ юртимизнинг нариги чеккасида яшаётган кимнингдир даласига сизга оралаб кетгани, ер шарининг бизга қарама-қарши томонида истикомат қилаётган бирисининг қизи хомилдор бўлиб қолганини интернетни қовлаб кузатиб борасиз.

Баҳовуддин навбатдаги халтани ҳам секин-аста бўшатди. Қалин-қалин китоблар. Кўзимизнинг нуруни тўқиб, вақтимизни сарфлаб, дунёни ўзгартираман деб ёзаётганларимиз кунларнинг бирида чердақдан жой олса?! Чанг босиб ётса. Беихтиёр ҳаёлига келган фикрдан қалқиб кетди. Бизнинг бошимизни ҳам унинг чердагига қиёсласак, у ерда ўқиган, билганларимиз чанг босиб ётибди. Гарднинг кўплигидан ҳатто тузук-курук нафас ҳам ололмайсиз.

Миямизни тиниқлаштириши керак бўлган мулоҳазалар тупроқнинг остидан қолиб кетган.

Бир ҳафталар аввал тушига Али Қушчи кирганди. Кўзларини танғиб бир ертўлага олиб тушди. У ер сандиқ-сандиқ китоблар билан тўла. Айримларининг катталиги ёстиқдай келади. Қайси барака топгур нашриёт чоп этган экан?! Ёки эскича китобат усулида тайёрланганмикин?

– Болам, бу китобларни ўқиб чиқишга сенинг умринг етмайди.

Ерга термулган кўйи жим тураверди.

– Биласанми, хазинанинг сири ни мада? Ундан фойдалана билишда.

У яқтаги орасига, қўлтиғига қўл суқиб жимитдеккина бир китобни олди. Авайлаб Баҳовуддинга узатди.

– Чалғимасдан мутолаа қил, итоат эт. Дунё сирларини сенга очади.

Али Қушчининг қўлидан китоб ўрнига нур таралиб турарди. Кафтига олар экан, кўзлари қамшиб, қалби, бутун вужуди ёришиб кетгандек бўл-

ди. Баҳовуддин Лавҳул Маҳфуз ҳақида ўйлади. Бизнинг аъмолларимиз иллийнда битилганми, сижжийнда?

Бир лаҳзага қаерда эканини унутди. Ўзини томнинг устида эмас, нечанчидир осмонда учиб юргандек ҳис қилди. Гўё қаноти бордек. Улуғ сиймоларни бир-бир зиёрат қилди. Аҳмад Яссавий бободан Баҳовуддин Нақшбандийга, Ҳазрат Навоийдан Заҳириддин Бобурга, Соҳибқирон Амир Темурдан Жалолиддин Мангубердига, Абдурахмон Жомийдан дарвештабиат Машрабга, замондош қахрамонлар, жон фидолар, Аъзам Ўқтам, Аскар Маҳкам, Вафо Файзуллоҳ каби фонийу бокий дунёда яшаётган шоир ва ёзувчилар билан қўл сиқиб кўришди. Бағрига босди. Дуосини олди. У тафаккур самосида кезинаётганди.

Ногаҳоний тўй тараддудидаги оломоннинг ғала-ғовури ҳаёлларини тўзғитиб, ўзига келтирди. Олдида яна бир ярим халта китоб билан бир уюм газета, журналлар ётарди. Улар орасида ўзи редакторлик қилган журнал сонлари, талабаликдаги мақолалари жамланган нашрлар, сурати чоп этилган саҳифалар бор эди. Расмларга қараб, ўтган 20 йил кўз олдида гавдаланди.

Кўп соддалигига борди. Баҳо олиш учун бирор фан ўқитувчисининг олдига кирса, бир оз ҳисоб-китоб қилиб “5”га озгина етмаяпти, бор тайёрланиб кел, деса мук тушиб ўқиб, тушликдан кейин, балларини кўпайтириш учун борибди. Инсофлироғи савол-жавоб қилиб, қўйиб беради. Виждонини ютгани ўқимасликда айблаб чиқариб юборади. Уларнинг “дарди” бошқа эканини кейин тушунди.

Бир гал ўқитувчи “5”ни кўрсатиб розимисан, деди. Рўпарасида кўхликки-на курсдоши жилмайиб ўтирибди. Розилик билдириб бош чайқади. Кейин нимагадир муаллима “4” қўйди.

– Нега, тўрт қўйдингиз.

– Сенга ёрдам қилдим.

Ваҳоланки, кўрсатгани “3” баҳо экан. 4 ва 5 ларга аллақачон аталганлари йиғиб олинганини кейин билди.

Бир ўқитувчи сессия арафаси китоб сотди. Баҳосини қўйиб берди. У муаллиф Бош муҳаррири эканини кўриб, севиниб кетди. Ишга бора солиб, дастхат ёздиришга ошиқди.

– Қанчага сотишди?

Айтган нархини эшитиб ҳафсаласи пир бўлиб кетди.

– Ноинсофлар талабаларга жабр қилишибди-ку.

Бу ноинсофликнинг бир учидан ўзи ҳам турганини унутган чоғи.

Кексароқ мураббийлардан бири бир пачка оқ қоғоз олиб келиш кераклигини очиқ айтди. Сессия маҳали ким қандай тайёргарлик кўргани ҳақидаги саволга “бир пачка қоғоз” олиб келганини айтиб, балога қолай деди. Хуллас, бари ортди қолди. Талабалик йиллари поёнида туғилган чақалоқ бугун университетда ўқияпти.

Баҳовуддин намикиб кетган, чанг босган китобларни бир оз тартиблади. Ўзига шу маҳалда зарурларини саралаб олди. Ҳали ижарада яшаётгани учун барини олиб кетишга журъати етмади. Шоир уқасининг “Ўзинг ижарага берган шу жонни, ижара уйларда олма, Худойим” сатрларини такрорлай-такрорлай пастга тушиб, тўй тараддудидаги оломонга қўшилди.

Азиз НОРҚУЛОВ,
журналист



СИФАТ ЙЎҚ ЖОЙДА ПУЛ “ГАПИРАДИ”

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тубдан яхшилаш, автомобиль ва транспортлар ҳаракатининг инсон омилига зиён етказмаслиги ва уларнинг ҳаракатини тўғри бошқариш ва ундан оқилона фойдаланиш чиндан-да долзарб вазифага айланган.

Албатта, бунинг учун, энг аввало, ҳайдовчиларни тайёрлаш жараёнини тубдан яхшилаш, малакасини ошириш зарур. Ана шундай масъулиятни чуқур ҳис этган Бўка туманидаги “Транскасб” корхоналар уюшмасига қарашли “Бўка Авто Устоз” МЧЖ автомактабининг айни кунлардаги фаолияти диққатга сазовор.

Маҳкам Мирзахмедов раҳбарлигидаги ҳайдовчилар тайёрлаш автомактаби ўзига хос катта тажрибага эга. Чунки билимдон ва зукко, кўп йиллик меҳнат салоҳиятига эга бўлган Маҳкам ака ҳамшиша талабчан ва жамоасига ғамхўр устоз. Зотан, автомактабининг вилоят миқёсида илғор ўқув масканга айланишида хизматлари катта. Албатта, буни автомактаб жамоаси ҳам мамнуният билан таъкидлайди.

2014 йил фаолиятини бошлаган мазкур ўқув даргоҳ ҳозирда барча зарур шарт-шароит ва қулайликларга эга. Айни кунларда автомактаб “В” ва “ВС” тоифалари бўйича 3000 дан зиёд малакали ҳайдовчиларни тайёрлади. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, инструктор ва ўқитувчиларнинг ўз соҳа-



сига нисбатан талабчан ва юқори малакага эгаллиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда автомактаб жамоасида Собир Абдурахмонов, Эркин Аширматов, Ихтиёр Мирзахмедов сингари тажрибали, маҳоратли ўқитувчи ва инструкторларнинг борлиги қувонарли. Айнан уларнинг тажрибаси туфайли ёшларга пухта билим беришга ҳаракат қилинаётир.



Шунингдек, туман ички ишлар бўлими ЙПХ ходимлари билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилган. Жойларда тушунтириш ишлари, учрашув ва суҳбатлар режа асосида олиб борилаётир.

— Бўлажак ҳайдовчиларнинг касбий тайёргарлигини яхшилашга ҳақат қилаймиз, — дейди автомактаб раҳбари М.Мирзахмедов. — Яқин вақтлар ичида “Д” ва “Е” категориядаги ҳайдовчилар тайёрлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Тракторчилар тайёрлаш курсларини очиш ниятимиз бор.

Дарҳақиқат, автомактаб жамоаси аъзолари доим ҳаракатда. Соҳага катта эътибор қаратилаётган айни шу кунларда янгиликка интилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш кечиктириб бўлмас вазифадир.

Шу жумладан, пул, коррупция аралашмаган ҳолатларда сифат бўлишини доимо ёдда сақлашимиз керак.

Ашурали БОЙМУРОД

Келажагимиз ёшлари

МЕНИНГ ДУНЁМ...

Эрта тонг. Қадрдон маскан — боғчага қадам қўяр эканман, болажонларнинг шўх-шодон кулгулари кулоғимга чалинади. Дарров атрофга разм солдим. Узоқдан болажонларим – Муҳаммаддиёр ва Шарофатхонлар “аяжон, аяжон” дея югуриб келишди. Уларни бағримга босдим. Мени болажонларим, жужиқларим дея эркалаганча гуруҳимиз хонасига йўл олдик.

Саодатхон ая Муродова тарбиячи ва тарбияланувчилар учун ҳамма шароитларни яратиб берган. Мавжуд 12 та гуруҳда 313 нафар жажжи кичкинтойлар тарбия топишади. Саранжом-саришталик, ҳар бир фаслга бағишлаб тайёрланган кўргазмалар киши диққатини ўзига тортади. “Соғломжон-полвонжон”, “Эртақлар – яхшиликка етаклар”, “Отам, онам ва мен” каби тадбирларда болалар ўз иқтидорларини намойиш этишяпти.

Яқинда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудига атаб ўтказилган тадбирда нафақат болалар, балки ота-оналар ҳам бир олам қувончга тўлди. Болалар шоир қаламига мансуб шеърларни ёддан айтиб беришди. Кейин болажонлар “Сени ҳеч кимга бермаймиз, Ўзбекистон” кўшиғини ижро этишиб, йиғилганларга

яхши кайфият улашди. Бу каби тадбирлар боғчамизда кўплаб ўтказилади.

Энди масканимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, ўз касбига фидой тарбиячилар кўп. Р. Исмадуллаева, К. Ҳамидова, Д. Мамараззоқова, Ш. Мирзааҳмедова, М. Абдуллаева, М.Мирзааҳмедова, Ҳ. Жўраева сингари тарбиячи ва энагалар меҳнатидан ота-оналар доимо миннатдор.

Бугун Президентимиз ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларнинг ғамхўрликларини ҳамшиша ҳис қилиб тураимиз.

**Муштарий ОХУНЖОНОВА,
Учқўрғон туманидаги
24-мактабгача таълим ташкилоти
тарбиячиси**



Иш куним шундай бошланади. Ҳамма болалар билан бирма-бир сўрашгач, машғулотларга киришаман. Бири-биридан ширин, бири-биридан зукко болажонлар. Бири шеър айтса, иккинчиси рақсга тушади. Бири топишмоқ айтиб беринг дейди. Уларга топишмоқ айтаман, қадим ривоятлардан сўзлаб бераман. Ана шундай пайтларда Дилшода Носиржонова, Нурзиё Абдурахимов, Ноила Комилжонова, Муҳаммадсобир Тўхтамирзаев сингари болажонлар янада фаол бўлишади.

Дарвоқе, мен меҳнат қилаётган Учқўрғон туманидаги 24-мактабгача таълим ташкилоти туманда энг намунали боғча сифатида тилга тушган. Мудира

Давлат активларини бошқариш агентлиги таъсисчилигида бўлган “Республика қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмлар базаси” МЧЖ директор лавозимига номзод тайинлаш бўйича танлов эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- Ўз кўли билан ёзилган ариза;
- Автобиография (батафсил кўрсатилсин)
- Касбий маълумотни, иш стаж ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар;
- Меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- Алоқа учун маълумотлар;

• Танлов учун ҳужжатлар эълон берилган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда қабул қилинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва бошқа маиший тўловлар Бошқарув раис билан амалдаги меҳнат қонунчилиги, Жамиятнинг уста-ви ва ички норматив ҳужжатларига мувофиқ

имзоланадиган меҳнат шартномаси биноан амалга оширилади.

**Ҳужжатларни қуйидаги манзиллар орқали юборишингиз мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Хуштепа кўчаси, 6-уй
Тел: 71-276-97-24, 95-142-38-80
Телеграм рақам: 90-960-75-77**

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-708
Адади: 1507.

Пайшанба кун чикади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Мурод РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жихатдан
сифатли чоп этилишига “Шарқ”
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@mail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00
1 2 3 4 5 6

ТАНҚИД ТАРОЗИСИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Нуриддин Шукуров Самарқанд туманидаги Туркман қишлоғида маърифатли инсон – қори Абдушукр хонадонидида туғилган. Унинг катта акаси Жамил бобо миришкор деҳқон, олим агроном бўлиши билан бирга, маърифатли, адабиётга қизиқувчан фозил инсон эди. Унча-мунча шеър-ғазаллар ҳам ёзиб турарди.

Самарқанд туманидаги катта бир совхозга директор бўлишига қарамай, ўша замон ёзувчи ва шоирлари билан ҳамнафас, алоқада бўлган. Ғафур Ғулом бир гал Самарқандда бўлганида, Нуриддин Шукуров уни Жамил ака билан таништириш мақсадида уйига таклиф қилган. Ўша-ўша академик шоир Жамил аканинг ҳазилкашлиги, билимдонлиги ва дунёқараши кенглиги туфайли у билан чиқишиб қолган. Самарқандга қачон келмасин, Нуриддин Шукуров баҳонасида, албатта, Жамил аканинг уйига қўниб ўтган. У ерда Самарқанднинг энг билимдон зиёлилари, шеър-ғазал шайдолари, адабиёт ихлосмандлари йиғилишган. Бундай ўтиришлар катта маъракаларга айланиб кетган.

Мен ўшанда ёш бола эдим, меҳмонлар келса, Жамил аканинг ўғиллари, тенгдошларим билан уларга чой ташиб хизмат қилардик. Ғафур Ғуломни илк бор ўша ерда кўрганман. Шундай йиғилишлардан бирида Ғафур Ғулом даврадагиларга қарата: “Мен самарқандлик танқидчи Нуриддин Шукуровдан кўркаман”, деди. Бу гапдан ҳамма ҳайрон бўлди. Кейин билсак, ўша даврларда Нуриддин Шукуров ўзининг илмий ишида Ғафур Ғуломнинг баъзи бир шеърларини танқид остига олган экан.

Устоз-шоғирдлик муносабатлари

1947 йилнинг феврели. Тошкентдан Самарқандга Ғафур Ғулом, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмадлар келиб, Садриддин Айнийнинг уйида меҳмон бўлишади. Эртаси куни ЎзГУнинг филология факультети талабалари билан учрашув ўтказилади. Академик Воҳид Абдулла Ғафур Ғуломга бир гуруҳ талабаларни кўрсатиб:

— Ғафур ака, булар сизнинг ёш мухлисларингиз, ҳар бир шеърингизни катта қизиқиш билан мутолаа қиладилар, — дейди.

— Бўлажак танқидчиларингиз деб айта қолинг, мулла Воҳид, — дейди ҳазиллашиб Ғафур Ғулом. — Ундай бўлса, мана шу янги китобимдан биттасини сизларга бераман.

Ғафур ака қўлидаги бир боғлам китобдан биттасини олиб Самарқанд давлат университетининг филология факультети талабаларига тақдим этади. Тақдир тақозоси билан бу китоб талабалар қаторида турган Нуриддин Шукуровнинг қўлига тегади. Бу академик шоирнинг — “Янги шеърлар” деб номланган юпка кўк муқовали китобчаси эди.

Ана шу учрашув Нуриддин Шукуровни Ғафур Ғулом ижодида чамбарчас боғлаб қўйди. У университетнинг 5-курсда ўқиб юрган пайтида диплом иши мавзуси қилиб, Ғафур Ғуломнинг янги шеърларини олади. Олиб борилган тадқиқотлар давомида Нуриддин Шукуровда жуда кўп саволлар пайдо бўлади. Бу академик шоир билан қилинадиган мулоқот орқалигина

буларнинг ечими топилиши мумкин эди. Шундан кейин у журъат қилиб Ғафур Ғуломга 15-16 бетлик хат ёзиб, манзилни аниқ билмагани учун “Қизил Ўзбекистон” газетаси редакциясига юборади.

Нуриддин Шукуров 1951 йил 25-26 майда Тошкентда ўтказилган республика ёш ёзувчиларининг конференциясида қатнашади ва Ғафур Ғуломнинг маҳорат сирлари бўйича маърузасини тинглайди. Кейин ўзи ҳам сўзга чиқиб, Самарқандда ёш ёзувчилар билан ишлаш жараёни ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Танаффус пайтида Ғафур Ғулом уни кўриб қолиб, ёнига имлаб чакиради.

— Нуриддин Шукуров дегани сен бўласанми? Шеърларим ҳақидаги хатингни редакциядан менга беришди. Ўқиб чиқдим. Эртага конференция тугагандан сўнг, кеч соат 6 да уйга кел, гаплашиб оламиз. Адресимни биласанми? Арпапо, 1-уй, Бешёғочда, Муқимий номидаги театрнинг ёнида. Модомики сен менинг ижодим, шеърим бўйича илмий тадқиқот олиб боришни бошлаган экансан, демак, кўп тарихий ва ҳаётий ҳодисаларни билиб, ўзлаштириб олишинг зарур бўлиб қолади. Учрашиб, гаплашиб турамиз, — дейди академик шоир. Ана шундан кейин уларнинг устоз-шоғирдлик муносабатлари бошланади. Нуриддин Шукуров диплом ишини, кандидатлик диссертациясини ҳам Ғафур Ғулом ижоди бўйича ёзади.

Баҳса чорлаган мақолалар

Нуриддин Шукуровнинг адабиётимиз, айниқса, шеъримиз муаммоларига бағишлаб ёзган ўткир мақолалари талабалик йилларидаёқ вақтли матбуотда бирин-кетин пайдо бўла бошлади. “Сюжет ва бадиий тўқима”, “Бузиб кўчириш ва хато изоҳлашга чек қўйилик”, “Ўзбек поэзияси ҳақида ўйлар”, “Поэзиямиздаги жиддий бир камчилик ҳақида” каби мақолалари ёш танқидчининг фидоийлиги, қуовчанлиги, адабиётимиз келажагига бефак эмаслиги илм аҳлининг эътиборига тушади ва у дорилфунун аспирантурасига қабул қилинади.

Нуриддин Шукуров “Ўзбек совет поэзияси ҳақидаги ўйлар” мақоласида лирикада материал, мавзу ва образнинг ўзаро боғлиқлигини кузатар экан, кизикарли фикрларни илгари суради. У кўпгина шеърларнинг иллюстратив характерда эканининг асосий сабабини керакли материалнинг етишмаслигига боғлайди. Иллюстрация эса риторик юзакиликни келтириб чиқаради. Нуриддин Шукуровнинг адабий-танқидий мақолаларидаги бундай фикрлар адабиётшуносларни баҳс майдонига чорлайди. Натигада, Озод Шарафиддинов, Ҳамид Ғулом ва бошқалар бу борада бир қатор кизикарли мақолалар билан чиқиш қилишади.

Нуриддин Шукуров 1960 йилда “Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. У Ғафур Ғулом ижодини ўша даврда таҳлил этган баъзи адабиётшунослардан фаркли ўларок, шоирнинг ютуқ ва камчиликларини очик-ойдин кўрсатиб беради. Жумладан, шоир асарларида бадиий мазмун, поэтик гоё, композиция, вазн ва тилдан фойдаланишдаги маҳорати шундай нозик дид билан деталлаштириб ўрганилганлигини Ғафур Ғуломнинг ўзи ҳам катта кониқиш билан эътироф этади. Шундан сўнг, Ғафур Ғулом шеърини адабиётшунос олим илмий фаолиятида асосий ўринни эгаллайди.

У 1973 йилда ёқлаган “Ўзбек лирикасида метод бирлиги ва услублар ранг-баранглиги проблемаси” мавзусидаги докторлик диссертациясида ҳам Ғафур Ғулом лирикасини асосий мавзу қилиб олади. Бу йирик илмий тадқиқотнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўрни ҳақида академик Салоҳиддин Мамажонов шундай деб ёзган эди: “Шубҳасиз, ушбу иш ўзбек лирикасида метод бирлиги ва услублар, жанрлар ранг-баранглигини ўрганишда муҳим қадам бўлади. Тадқиқотчининг ютуғи – қатор тарихий-адабий ва назарий муаммоларни чуқур, жиддий ва асосли ёритишга интилинганидаир”.

"Шалола" шеърят клуби

Адабий жараёнда фаол иштирок этувчи танқидчи сифатида ўша даврда Нуриддин Шукуровнинг вақтли матбуотда 200 дан ортик мақолалари эълон қилинган. Бундан ташқари, у ёш талентларни излаб топиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатишда ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилди. Олимнинг ташаббуси билан СамДУнинг филология факультетида “Шалола” шеърят клуби ташкил этилади. Унинг дастлабки машғулотларида Омон Матжон, Уллубиби Отаева, Ўткир Раҳмат, Тошпўлат Аҳмад, Дилбар Саидова, Асад Дилмурод, Хосият Бобомуродова, Фармон Тошев, Дилором Имомова, Жамол Сирождин, Камбар Ўтаев, Ҳабиб Темир, Олкор Дамин, Ориф Ҳожи, Нодир Жонузоқ, Дилором Исмоилова ва бошқа кўплаб ёш ижодкорлар мунтазам катнашарди. Воҳид Абдулло, Душан Файзий, Жўра Аҳмаджон, Суръат Орипов, Ҳақима Ҳасанова ва бошқа ёши улуг ижодкорлар ҳам “Шалола”га ўз асарларини тақдим қилиб, уни ёш ижодкорлар муҳокамасига қўйишар ва албатта Нуриддин Шукуровнинг “танқид тарозиси”га қўйиб олишар эди.

Нуриддин Шукуров беҳад нозик муомалали, одоб-икром фазилатлари кўпчиликка ўрнак бўладиган даражада эди. У талентларни ниҳоятда кадрларди. Барот Бойқобилов, Омон Матжон, Ўткир Раҳмат, Хуршид Даврон каби ижодкорлар билан том маънода фахрланарди.

Ҳам олим, ҳам шоир

— Атоқли адабиётшунос олим Нуриддин Шукуров мен туғилган Чордара қишлоғига туташ Туркманқишлоқлик эди, — деб эслайди Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон. — Шу инсон туфайли мен илк маротаба Омон Матжон билан

танишганман. Вақт ўтиб, ака-укадай яқин бўлганман. Нуриддин Шукуров илмий ишларининг камров доираси ниҳоятда кенг бўлиб, шеърят, наср, драматургия, адабиёт тарихи, назарияси, танқиди, таржимонлик, журналистика ва хоказоларни ўз ичига оларди.

Нуриддин Шукуров истьеодининг яна бир қиррасини камтарлиги боис тириклигида чоп этмаган шеърини ташкил этади. “Хушнуд” тахаллуси билан ижод қилиб, санокли шеърларигина вақтли матбуотда чоп этилган. Нуриддин Шукуров шеърларида масаланинг моҳиятига фалсафий ёндашиш, бугун ва кечани параллел идрок этиш орқали эрта хусусида фикр юритиш, арзимасдек туюлган кундалик, ҳаётини ҳодисалардан кучли умумлашма чиқариш жиҳатлари билан файласуф шоир Ғафур Ғулом поэтик услубига яқинлик сезилади.

Нуриддин Шукуровнинг Ш.Воҳидов, М.Жўракулов, Б.Валихўжаев, Р.Қўнгулов каби қатор тенгдош ва сафдошларига атаб ёзган мувашшаҳларини, Улуғ Турсун, Воҳид Абдулло, Мухтор Вали, Ҳусайн Ризо, Худойберди Дониёров, Ҳамдам Бердиёров, Илхом Ҳасанларга бағишланган шеърларини кўпчилик ёддан айтиб юрарди.

Одамийлик илми

— Нуриддин Шукуров ўнлаб номзодлик ва докторлик тадқиқотларига раҳбарлик, оппонентлик қилди, кўплаб монография, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ёзиб, илм-маърифатга ташна қалбларга адабиёт нуруни сингдирди, — дейди унинг шоғирди, филология фанлари доктори Шавкат Ҳасанов. — Устознинг адабий-танқидий, илмий-назарий кузатишлари, таҳлилнинг холислиги, хулосаларнинг теранлиги ўзига хос бўлиб, бу асарларнинг айримлари чоп этилганига ярим васрдан кўп вақт ўтган бўлсада, бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини, қимматини йўқотмаганлиги билан кишини ҳайратга солади. Бу асарлар бугунги кунда ҳам филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар илмий назарий қўлланма сифатида фойдаланмоқда. Бу эса икки тузумни бошдан кечирган гуманитар соҳалар учун жуда катта ютуқдир. Чунки орада кўп сувлар оқди, замон ўзгарди, адабиётшуносликда тадқиқот усуллари ўзгарди, адабий жараён янгиланиб бормоқда, лекин адабиётшунос ўзбек адабиёти тадқиқи орқали баён этган илмий концепция бугун ҳам ўз долзарблигини сақлаб келиши чиндан ҳам муаллифнинг катта иқтидор соҳиби бўлганлигини англатади.

Адабиётшунос олимнинг табиатида эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал устувор эди. Юриш-туриши, кийиниши, муомаласи, ички ва ташқи маданияти билан кўпларга ибрат бўлди, одамийлик илмидан сабоқ бериб келди. Ва шу хислатлари билан устозликнинг, олимликнинг, одамийликнинг тимсоли бўлиб хотирамизда сақланиб қолди.

Адабиётшунос олим Нуриддин Шукуров қолдирган илмий-маънавий мерос адабиётшунослигимиз тараққиётига, шу йўлда захмат чекиб, изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчиларга муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади. Амалга ошмай қолган ишлари эса албатта шоғирдлар томонидан давом эттирилмоқда.

Ботир МУҲАММАД